

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАЙЛАНОВА ШОХИДА ЗАЙНИЕВНА**

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ  
ТАЛАБАЛАРИДА ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора науки (DSc) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc) on pedagogical  
sciences**

**Тайланова Шоҳида Зайниевна**

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида қадриятлар тизимини  
ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш ..... 3

**Тайланова Шоҳида Зайниевна**

Совершенствование технологии развития системы ценностей у студентов  
педагогических высших учебных заведений..... 31

**Taylanova Shokhida Zaynievna**

Improvement of the technology of development of the system of values in the  
students of pedagogical higher education institutions ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 64

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАЙЛАНОВА ШОХИДА ЗАЙНИЕВНА**

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ  
ТАЛАБАЛАРИДА ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.DSc/Ped81 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoshlashgankengashlar>) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эгамбердиева Нодира Мелибаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Махмудов Мелс Хасанович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Мардонов Шукур Қўлдошев**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Каххорова Матлюба Манофовна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.:(0366) 239-12-29; факс:(0366) 239-17-14; e-mail: samdu\_ped\_kengash@umail.uz

Диссертация билан Самақанд Давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.:(0366) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Х.И.Ибраимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Ш.Р.Уроков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д.(Phd).

**Н.Ш.Шодиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар глобаллашув шароитида маънавий тараққиёт йўлида эришган муҳим ютуқлар қаторида ўз маданий меросини, маънавий ва ахлоқий қадриятларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Илғор олий таълим муассасалари томонидан педагогларни тайёрлаш жараёнларида миллий ва умуминсоний, мотивацион-қадриятли ва фаолиятга аксиологик муносабатларни таркиб топтириш масаласига жамиятда қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг бирламчи воситаси сифатида қаралиб, ўқув мазмунини мазкур муносабатларга асосланиб шакллантириш тенденцияси кузатилмоқда.

Дунёда бўлажак педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда ижтимоийлашувни таъминлаш, қадриятлар тизимини шакллантиришнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш, ижтимоий педагогика фанининг энг самарали усулларини интерпретациясидан кенг фойдаланиш, касбий компетентликнинг аксиологик компонент классификацияси ва хусусиятларига доир илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мазкур тадқиқот натижалари таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш ҳамда олий таълим муассасалари фаолиятининг сифат кўрсаткичларини белгилашда бўлажак ўқитувчиларда аксиологик муносабатни қарор топганлик даражасини аниқлаш имкониятини кенгайтирмоқда.

Мамлакатимизда халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш, таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш борасида олиб борилган ислохотлар таълимни инсонпарварлаштириш, бўлажак педагогларда аксиологик муносабатни таркиб топтиришга йўналтирилган педагогик ёндашувлардан фойдаланиш имкониятларини оширди. Шу билан бирга, миллий педагогика фани олдида олий таълим муассасалари талабаларида қадриятлар тизимини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш”<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Бу борада олий таълим муассасалари талабаларида касбий қадриятлар тизими ва фаолият мотивлари асосида касбий компетентликни ривожлантиришнинг аксиологик мезон ва кўрсаткичларни аниқлаштириш, қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг ташкилий тузилмаси ва механизмларини такомиллаштириш, креатив таълим технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 12 августда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Педагогика олий таълим муассасаларида кадриятлар тизимини ривожлантириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Ўқитувчилар таълимини аккредитациялаш бўйича Миллий кенгаш (АҚШ), Амалий этика институти (Канада), Парих-IX-Дофин университети (Франция), Оксфорд университети (Англия), Тойо университети (Япония), Корея таълимни ривожлантириш институти (Жанубий Корея), Москва давлат педагогика университети (Россия), Бош илмий-методик марказ (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Педагогика олий таълим муассасаларида кадриятлар тизимини ривожлантиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: талабаларда этник-маданий кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг педагогик механизмлари такомиллаштирилган (Ўқитувчилар таълимини аккредитациялаш бўйича Миллий кенгаш); талабаларда касбий кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг ахлоқий компонентини такомиллаштириш мезонлари аниқлаштирилган (Амалий этика институти); бўлажак ўқитувчиларда шахсий ва касбий кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг дидактик технологиялари ишлаб чиқилган (Парих-IX-Дофин университети), талабаларда касбий-

---

<sup>1</sup> Мазкур қисмни ёзишда қуйидаги манбаларга асосланилди: Андреева Г.А. Модернизация системы высшего педагогического образования в Англии: Монография. – М.: ИТОП РАО, 2002. – 227 с.; Galligan A.M. Creativity, Culture, Education and the Workforce. - Center for Arts and Culture, 2001. -36 p.; Corey G., Schneider-Corey, M., Callanan, P. Issues and ethics in the helping professions (7th ed.). Belmont, CA: Brooks/Cole, 2007. – 154 p.; Lynch, Lisa M. A Needs Analysis of Training Data: What do we want, what do we have, can we ever get it? NBER Conference on Research in Income and Wealth: Labor Statistics Measurement Issues. Ed.J.Haltiwanger, M. Manser and R. Topel. -Chicago: University of Chicago Press, 1998. P. 407.

кадриятли ориентацияни ривожлантиришнинг минтор модели ишлаб чиқилган (Оксфорд университети); ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида миллий кадриятлар ва анъаналарга аксиологик муносабатни таркиб топтиришга доир махсус курс дастурлари ишлаб чиқилган (Тойо университети); кадриятлар тизими диагностикасини такомиллаштириш йўналишлари аниқланган (Корея таълимни ривожлантириш институти), бўлажак ўқитувчиларда педагогик маданиятни ривожлантиришнинг аксиологик концепцияси ишлаб чиқилган (Москва давлат педагогика университети); таълимий кадриятлар асосида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг андрагогик механизмлари такомиллаштирилган (Бош илмий-методик марказ).

Жаҳонда педагогика олий таълим муассасаларида кадриятлар тизимини ривожлантириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: талабаларда кадриятлар тизимини ривожланганлигини аниқлаш параметрлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш; шахсга йўналтирилган таълим парадигмаси асосида кадриятлар тизимини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш; талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг диагностик асосларини такомиллаштириш; талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг фалсафий, социологик асослари А.Бегматов, М.Бекмурадов, В.Канке, Ж.Ким, М.Каххарова, Қ.Назаров, Н.Розов, И.Сурина, Ж.Туленов, Э.Юсуповлар томонидан тадқиқ этилган<sup>1</sup>.

Психолог олимлардан Ш.Баротов, М.Давлетшин, А.Жабборов, В.Каримова, Л.Кунц, Л.Митина, Н.Сафаев, А.Серый, Э.Ғозиев, А.Шаров, Ғ.Шоумаров, Б.Вилсон кабилар кадриятлар масаласини этнопсихологик жиҳатларини тадқиқ этганлар<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислоҳ Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. – Т.: Шарқ, 2000. – 94 б.; Бекмурадов М. Роль общественного мнения в социально-культурном развитии общества: Автореф.дисс...д-ра соц. наук. – Т., 1997. – 42 с.; Канке, В.А. Этика ответственности. Теория морали будущего. – М.: Логос, 2003. – 352 с.; Kim J. The Koreans: Their Mind and Behavior. – Seoul: Kyobo Book Centre Co, 1991. – 236 p.; Каххарова М. Жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит: муаммо ва ечимлар. Автореф. ... фал.фан.док. – Т., 2012; Назаров Қ. Кадрият тизими: барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси (аксиологиянинг ижтимоий-фалсафий муаммолари): Фалс.фан.д-ри...Дисс. – Т., 1996. – 311 б.; Розов Н. Ценности в проблемном мире: философские основания и социальные приложения конструктивной аксиологии. – Новосибирск: Изд-во Новосибирского ун-та, 1998. – 292 с.; Сурина И. Ценности. Ценностные ориентации. Ценностное пространство: вопросы теории и методологии. – М.: Социум, 1999. – 183 с.; Туленов Ж. Кадриятлар фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 72 б.; Юсупов Э. Мустақиллик ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 175 б.

<sup>2</sup> Баротов Ш.Р. Ўзбекистонда психологик хизмат ташкил этишнинг ижтимоий-психологик ва илмий-амалий асослари: Псих.фан.док. ... дис. -Т., 1997. – Б. 13-15.; Давлетшин М.Г., Жалилова С.И. Олий мактабда таълим жараёни самарадорлигининг психологик томонлари – Т.:ТДПУ, 2001. – 10 б.; Жабборов А.М. Педагогик технологиянинг этник асослари. – Тошкент: Зарқалам, 2006. – 48 б.; Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. – Тошкент, 1994. – Б. 48-54; Кунц Л. Профессиональная направленность как фактор формирования образа будущей профессиональной деятельности (на примере студентов-психологов): дис. ... канд.психол.наук. - Новосибирск, 2005. – 243 с.; Митина Л. Личность и профессия: психологическая поддержка и сопровождение. – М.: Издатель

Педагог олимлардан Н.Шодиев, Б.Адизов, О.Жамолдинова, И.Исаев, Ш.Мардонов, У.Маҳкамов, О.Мусурмонова, С.Нишонова, В.Сластенин, Д.Рўзиева, Б.Ходжаев, Ш.Шарипов, Ш.Шодмонова, Е.Шиянов, Н.Эгамбердиева, М.Қуронов кабиларнинг илмий изланишларида миллий, умуминсоний, маънавий-ахлоқий, эстетик, таълимий, тарбиявий кадриятларнинг мазмун-моҳити ҳамда бўлажак ўқитувчиларда кадриятлар тизимини ривожлантириш масаласининг ўзига хос жиҳатларини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилган<sup>1</sup>.

Қадрият ва кадриятлар шакллари билан боғлиқ масалалар кенг ўрганилганига қарамай, замонавий бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлатда талабаларда шакллантирилиши лозим бўлган кадриятлар тизимининг амалий-технологик жиҳатлари алоҳида тадқиқ этилмаган. Ана шундай долзарбликдан келиб чиққан ҳолда, мазкур тадқиқотда педагогика олий таълим муассасаси талабаларида кадриятлар тизимини ривожлантириш технологиялари йўналишида олиб боришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

---

ский центр «Академия», 2005. – 350 с.; Сафаев Н.С. Духовность и национальное самосознание личности. Монография. – Ташкент: Фан, 2004. – 211 с.; Серый А. Ценностные ориентации личности в структуре профессио-нально значимых качеств практических психологов: автореф. дис. ... канд. псих. наук. – Иркутск, 1996. – 25 с.; Ғозиев Э. Онтогенез психологияси. – Тошкент, 2010. – 360 б.; Шаров А. Система ценностных ориентаций как психологический механизм регуляции жизнедеятельности человека: дис. д-ра психол. наук. – Новосибирск, 2000. – 383 с.; Шоумаров Г.Б. Ўзбекистон таълим тизимида психологик хизмат муаммолари // Янги турдаги ўрта махсус ўқув юрғларида таълим ва тарбиянинг самарадорлигини оширишнинг психологик муаммолари. – Тошкент, 1998. – Б. 13-15.; Wilson B. The shuttle between emotion and cognition: Risk, resiliency, and physiological bases. In E.M. Hetherington & E. A. Blechman (Eds.), Stress, coping, and resiliency in children and families / B.J. Wilson, J.M. Gottman. – Hillsdale, NJ: Erlbaum, 1996. – pp. 189–228.

<sup>1</sup> Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари: Пед.фан.док... дисс. – Бухоро, 2002. – 276 б.; Жамолдинова О.Р. Ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш: Автореф. ... пед. фан. док. – Т., 2015. – 86 б.; Исаев И. Профессионально-педагогическая культура преподавателя. – М.: Издательский центр «Академия», 2002. – 208 с.; Марданов Ш.Қ. Педагог кадрларни таълимий кадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари: Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 2006. – 302 б.; Маҳкамов У.И. Юқори синф ўқувчиларида ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед.фан.док. ... дисс. – Т., 1998. – 287 б.; Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед.фан.док. ... дисс. – Т., 1993. – 364 б.; Нишонова С. Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси: Пед.фан.док. ... дисс. – Т., 1998. – 288 б.; Сластенин, В.А. Введение в педагогическую аксиологию. – М.: Издательский центр «Академия», 2003. – 192 с.; Рўзиева Д. Олий таълим муассасаси талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари: Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 2007. – 255 б.; Ходжаев Б. Педагогик аксиология. – Т., “Fan va texnologiya” нашриёти, 2012. – 165 б.; Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ... дис. автореф. – Т., 2012. – 46 б.; Шодмонова Ш.С. Олий ўқув юрти талабаларида мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш (Касб таълими йўналиши мисолида): Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 2010. – 340 б.; Шиянов Е. Формирование мотивационно-ценностного отношения студентов к педагогической деятельности: дис. канд. пед. наук. – М., 1992. – 165 с.; ; Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида): Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 2010. – 332 б.; Қуронов М. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари: Пед.фан.док. ... дисс. – Т., 1998.–316 б.



Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг И1-ХТ-О-11142. “Ўқитувчилар малакасини оширишнинг инновацион-қадриятли йўналишлари” (2013-2014 йй.) ва 561624-ЕРР-1-2015. “Ўзбекистон олий таълим соҳасининг халқаролашуви ва модернизацияси” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** педагогика олий таълим муассасалари талабаларида қадриятлар тизимини ривожлантириш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

педагогика олий таълим муассасаси талабаларида қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва диагностик мезонларини аниқлаш;

касбий компетентликни шакллантиришнинг аксиологик компонентларини аниқлаштириш асосида талабаларда қадриятлар тизимини ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

педагогика олий таълим муассасаси талабаларида қадриятлар тизимини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш;

педагогика олий таълим муассасаси талабаларида қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқиш;

талабаларда педагогик касбига аксиологик йўналганликни таркиб топтиришнинг ижтимоий-педагогик тизимини такомиллаштириш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент давлат педагогика университети, Навоий ва Қўқон давлат педагогика институтлари талабаларида қадриятлар тизимини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига 390 нафар талаба, 30 нафар профессор-ўқитувчи жалб қилинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида педагогика олий таълим муассасалари талабаларида қадриятлар тизимини ривожлантириш мазмуни, модели ва технологияси (шакл, метод ва воситалари)ни тадқиқ этиш танланган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, педагогик мониторинг, моделлаштириш, сўровнома, тест, математик-статистик таҳлил каби тадқиқот ва таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

педагогика олий таълим муассасаси талабаларида қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг когнитив (касбий билимга йўналганлик), педагогик фаолиятга шахсий муносабатни акс эттирувчи эмоционал (касбий муносабат ва эҳтиёж) ва педагогик фаолиятда аксиологик муносабатни қарор топтиришнинг хулқ-атвор (касбий кўникмаларга доир) компонентлари социоцентриқ қадриятларнинг интеграцияси асосида асослаб берилган;

талабаларда қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг рефлексив модели педагогик касбига қадриятли муносабатни тўлиқ англаш имконини берадиган ички (аутоген, рефлексия) ва ташқи (инновацион таълим муҳити) блокларининг лойиҳалаш ҳамда технологик (интерактив, диалогли, ҳамкорликда ўқитиш, ахборот технологиялари) аспектлари интеграцияси асосида ёритиб берилган;

талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантириш технологиясининг ташкилий-методик компоненти моҳияти аксиологик иерархия (“билим – кадрият – фаолият” бирлиги ҳамда рефлексив усулларни идентификациялаш асосида очиб берилган;

илғор хорижий тажрибалар ва инновацион таълим технологиялари асосида педагогика олий таълим муассасаси талабаларида кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг дидактик таъминотининг ишбилармонлик ўйинлари (таклидчанлик вазиятлари, тасвирлаш, турли педагогик вазиятларни моделлаштириш); ўқув портфолиоси; амалий ишлар танлови; тренинг (гуруҳий мулоқотни ташкил этиш, шахслараро муносабатларни моделлаштириш воситасида хулқ-атворни коррекциялашнинг фаол методи) каби метод ва усуллари такомиллаштирилган;

талабаларда педагогик касбига аксиологик йўналганликни таркиб топтиришнинг кўп тармоқли кадриятлар тизими, шахслараро муносабат ва шахсий-касбий ривожланишдаги ўзгаришларни акс эттирувчи ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга доир оригинал муаллифлик методикаси ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришга доир миллий ва хорижий тажрибани тизимлаштириш асосида педагогик аксиологиядан хрестоматия яратилган;

талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришга доир электрон ўқув-услубий таъминот яратилган;

талабаларда педагогик фаолиятга аксиологик муносабатни таркиб топтириш мақсадида малакавий педагогик амалиёт жараёнида “Супервизорлик амалиёти” тизими ташкил этилган;

талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришга доир тренинг ва методикалар мажмуи ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, муаммога фалсафий, методологик, методик, психологик ва педагогик ёндашувларга ҳамда талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришга доир миллий ва хорижий тажрибаларга асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришга доир “кадрият”, “кадриятга йўналтирилган фаолият”, “аксиологик муносабат”, “аксиологик ориентация” тушунчаларининг моҳияти аниқлаштирилганлиги; талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг назарий асослари (кадриятлар тизимининг тузилиши ва мазмуни, кадриятлар тизимини ривожлантириш модели, кадриятлар

тизимини ривожлантириш босқичлари)нинг тизимлаштирилганлиги; педагогика олий таълим муассасаси талабаларида кадриятлар тизимини ривожлантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи педагогик шарт-шароитларнинг асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти педагогика олий таълим муассасаси талабаларида педагогик кадриятлар тизими ҳақидаги билимларни таркиб топтириш, уларнинг касбий фаолиятдаги аҳамиятини аниқлаштиришга доир ўқув-услубий мажмуанинг ишлаб чиқилганлиги; талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантириш технологиясининг лойиҳалаштирилганлиги; талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг самарали дидактик таъминотининг ишлаб чиқилганлиги, тадқиқот натижаларининг бўлажак педагогларда касбий компетентликни ривожлантириш ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини такомиллаштиришга доир самарали ёндашувларнинг ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида кадриятлар тизимини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган назарий-методологик ва амалий таклифлар асосида:

педагогика олий таълим муассасаси талабаларида кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг когнитив, фаолиятга доир ва рефлексив компонентлари “Ўзстандарт” агентлигининг 2015 йил 15 февралдаги 2-540-сон қарори билан тасдиқланган бакалавриат йўналишлари Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар бакалавриат таълим йўналишлари малака талабларини такомиллаштириш ҳамда касбий компетенциялар тизимини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантириш мақсади, вазифалари, мазмуни, ташкилий-технологик ва диагностик компонентларини ўзида акс эттирувчи рефлексив модели асосида ОТ-Ф1-36 рақамли “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бўлажак ўқитувчиларда маънавий кадриятларга барқарор эҳтиёжларнинг шаклланганлигини ҳаётий мақсадлар асосида аниқлаштириш методикаси ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 89-03-3230-сон маълумотномаси). Олинган амалий натижаларнинг жорий қилиш орқали талабаларда педагогик касбига кадриятга йўналтирилган муносабатни таркиб топтириш, магистратурага мақсадли тайёрлашга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантириш мақсади, вазифалари, мазмуни, ташкилий-технологик ва диагностик компонентларини ўзида акс эттирувчи рефлексив модели, талабаларда педагогик компетентликни ривожлантиришнинг аксиологик компонентлари асосида мотивацион, когнитив, ташкилий, назорат-баҳолаш ва аналитик-рефлексив босқичларда лойиҳалаштирилган кадриятлар тизимини ривожлантириш технологиясидан “ИТД-4-122 – Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа иш режаси

асосида юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг диагностик технологияларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 89-03-3230-сон маълумотномаси). Натижада юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг умумпедагогик технологиясининг қадриятга йўналтирилган босқичининг такомиллаштирилган методик таъминоти ишлаб чиқилган;

илғор хорижий тажрибалар ва инновациялар асосида педагогика олий таълим муассасаси талабаларида қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг дидактик таъминотидан олий таълим тизими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари мазмунини такомиллаштириш бўйича таклифлар ўқув режаларига ОЎМТВнинг 2015 йил 21 августдаги 303-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Педагогик компетентлик ва креативлик асослари” модулининг ўқув-услубий мажмуасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 89-03-3230-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар асосида ўқитувчиларни талабаларда қадриятлар тизимини ривожлантириш бўйича эдвайзерлик тизими жорий этилган.

талабаларда педагогик касбига аксиологик йўналганликни таркиб топтиришнинг уч тармоқли қадриятлар тизими, шахслараро муносабат ва шахсий-касбий ривожланишдаги ўзгаришларни акс эттирувчи ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга доир муаллифлик методикаси “ОТ-Ф1-36. Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида талабаларнинг маънавиятини баҳолашнинг аксиологик мезонларини ишлаб чиқишда самарали фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 89-03-3230-сон маълумотномаси). Натижада талабаларда қадриятлар тизимини ривожлантириш диагностикаси ва коррекциясини амалга ошириш методикаси мазмуни такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 244 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида илмий тадқиқотнинг мавзуси ва унинг долзарблиги асосланган бўлиб, тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, илмий ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан биргаликда диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, эришилган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобда талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг фалсафий-тарихий таҳлили, педагогика олий таълим муассасаси талабаларида кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари, талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг амалиётдаги ҳолати ёритиб берилган.

Илмий адабиётларда “кадрият”, “кадриятга йўналганлик”, “кадриятли установка”, “кадриятлар тизими” тушунчасига доир хилма-хил таъриф-ларни учратиш мумкин. Агар кадрият дин, мафкура, санъат каби ижтимоий онг шаклидан алоҳида ажратиб қаралса, у ҳолда унинг мустақил маъно-моҳиятига нисбатан шубҳа уйғонади. Чунки инсон ёки жамиятнинг бирор-бир эҳтиёжларининг қондирилиши нафақат, моддий, шунингдек идеаллик билан ҳам алоқадорликни акс эттиради. Эҳтиёжнинг ўзи ҳам ижтимоий ҳаётнинг қатор шарт-шароитлари ва ўзига хосликларини аниқлаб беради. Демак, кадрият инсон ва жамиятнинг ташқи оламга муносабатининг, уларнинг ички эҳтиёжлари ва воқеликка муносабатлари билан уйғунлашуви натижасида юзага келади. Мазкур муносабатнинг барқарор хусусият касб этиши инсон фаолиятининг мақсади ва мотивларини шакллантиришга хизмат қилувчи “кадриятли йўналганлик” атамаси билан ифода этилади.

Қадриятга йўналганлик ўз ичига индивиднинг ҳаётий тажрибалари ва орзу-армонларини ҳам қамраб олади. Ана шу сабабли кадриятга йўналганлик ўзига хос психологик тавсифга эга бўлиб, шахс тузилишининг барча компонентлари ва яхлит тизимини акс эттиради. Қадриятлар тизими миллий ҳамда умуминсоний маданиятнинг асосини ташкил этиб, жамият аъзоларининг маънавий ва ижтимоий эҳтиёжлари, қизиқишлари, уларнинг ижтимоий ҳаракатлари ва хулқ-атворини бошқаришни ўзида акс эттиради. Б.Битинас ва И.П.Подласыйлар кадриятларнинг учта асосий тизимини ажратиб кўрсатишган: трансцендентал (диний моҳият нуқтаи назаридан қандайдир мутлақликка эга), ижтимоий йўналтирилган – социоцентрик (гуруҳий, умуминсоний, касбий, миллий ва ҳ.к.) ва антропоцентрик (индивидуал)<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Подласый И. П. Педагогика: 100 вопросов – 100 ответов. – М.: ВЛАДОС-пресс, 2004. – С. 83.

М.А.Макаревич қадриятлар тизимини қуйидаги гуруҳларга ажратган: ҳаёт мазмунини белгилаб берувчи (яхшилик, ёмонлик, бахт, фаровонлик), универсал (ҳаётӣ (витал), демократик, ижтимоӣ обрӯ-эътибор, шахсий ривожланиш, шахслараро муносабат), норасмӣ (анъанавӣ, динӣ ва урбанизацияга оид) ва жамоавӣ (ўзаро бир-бирига ёрдам бериш ва бирдамлик). Ҳаётӣ (витал) қадриятларга деганда инсон ҳаётини муҳофаза қилиш ва узайтиришга йўналтирилган бирламчи ва оддий эҳтиёжлар тушунилади. Ҳаёт мазмунини белгилаб берувчи қадриятлар эса мураккаб тузилишга эга бўлиб, бутун инсон ҳаётини мураккабликлари ва ғаройиботларга бойлигини ифода этади<sup>1</sup>.

П.А.Сорокин қадриятлар тизимининг учта турини ажратиб кўрсатган: идеационал қадриятлар тизими. Мазкур тизимга доир қадриятлар ва идеаллар ўзгаришсиз ва доимӣ, мутлақ тавсифга эга бўлиб, уларни тушуниб етиш жараёнида юзага келадиган тўсиқларни енгиб ўтиш жараёнида инсонда ҳиссий қониқиш юзага келади; ҳиссий қадриятлар тизими. Мазкур тизимга хос қадриятлар мутлақ кўриниш касб этмайди, индивид иштирок этаётган вазият билан боғлиқликда амал қилади; идеал қадриятлар тизими. Идеационал ва ҳиссий қадриятларнинг умумлаштириш асосида таркиб топади<sup>2</sup>.

Тизимли, субъектив ва фаолиятга йўналтирилган ёндашувлар ва қадриятга йўналтирилган фаолиятнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда “қадрият” тушунчаси талабанинг касбнинг ижтимоӣ аҳамиятини тўлиқ англаб етилганлиги тавсифида бўлғуси педагогик фаолиятга субъектив муносабати ва баҳосини ифода этиши ҳақидаги хулосага келинди. Мазкур асосга таянган ҳолда “қадриятлар тизими” тушунчасига барқарор, доимӣ ва динамик-функционал алоқадорликка эга қадриятга йўналтирилган (баҳолашга доир) фаолият асосида касбий тайёргарлик жараёнида шаклланадиган компонентлар (қадриятнинг турлари ва шакллари) мажмуидир, тарзида таъриф берилди.

“Ривожлантириш” тушунчаси таҳлилига асосланиб, “талабаларда қадриятлар тизимини ривожлантириш” атроф-муҳит ва ўз-ўзига нисбатан муносабат тавсифини акс эттирувчи ва касбий фаолиятга тайёргарлик жараёнида намоён бўладиган, педагогик компетентликнинг ўзаро алоқадор аксиологик компонентларида сифат ўзгаришларини ҳосил қилишга йўналтирилган объектив жараён эканлиги аниқлаштирилди.

Тадқиқот доирасида педагогика олий таълим муассасаларида қадриятлар тизими тузилмасининг муҳим компоненти сифатида касбий қадриятлар масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Касбий қадриятлар субъект томонидан педагогик компетентлик тизимида муҳим аҳамият касб этадиган фаолият соҳасининг шахсий ва ижтимоӣ аҳамиятининг анланганлиги, ижобий-эмоционал муносабатнинг қарор топиши ва шахс ички йўналганлигини белгилаб беришга хизмат қилади.

<sup>1</sup> Макаревич М. А. Ценность // Российская социологическая энциклопедия / Под общ. ред. Акад РАН Г.В. Осипова. – М.: НОРМА-ИНФРА-М, 1998. – С.609-610.

<sup>2</sup> Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. / Пер. с англ. – М. : Политиздат, 1992. – С. 488-494.

Таҳлил натижалари асосида касбий-қадриятга йўналганлик педагогик фаолиятга доир илмий билимларни эгаллаш ва аксиологик муносабатни шакллантиришга имкон берадиган когнитив (касбий билимга доир қадриятлар), педагогик фаолиятга шахсий муносабат орқали аниқлаштириладиган эмоционал компонент (касбий муносабат қадриятлари) ва педагогик фаолиятда аксиологик муносабатни қарор топтиришга имкон берадиган хулқ-атвор компоненти (касбий кўникмаларга доир) аниқлаштирилди.

Замонавий жамиятда қадриятлар тизимини қайта англаш содир бўлмоқда. Шу билан боғлиқликда асосий аксиологик категория сифатида қадриятлар таснифи ҳақидаги масала кўндаланг кўйилмоқда. Ушбу масала аксиологиянинг муаммоли саволларидан бирини ўзида акс эттиради. Ана шу сабабли тадқиқотнинг асословчи босқичида мазкур муаммони ҳал этишга доир асосий ёндашувлар таҳлилига ҳам эътибор қаратилди. Умумий қабул қилинган ёндашувга кўра қадриятлар объектив, субъектив ва абсолют гуруҳларга тасниф қилинади. Объектив қадриятлар табиат бойликлари, ижтимоий ҳодиса, қишиларнинг хулқ-атвори ва фаолияти билан боғлиқ бўлса, субъектив қадриятларга меъёрий тасаввурлар шаклида (яхшилик ва ёмонлик, бахт ва омад, адолат ва адолатсизлик) намоён бўладиган ижтимоий установка ва баҳолар тегишлидир. Абсолют қадриятлар ўзгармайди, инсонлар учун сўзсиз аҳамият касб этади (ҳаёт, саломатлик, тараққиёт, билим, инсонийлик). Умуминсоний қадриятлар трансцендентал қадриятлар сифатида қаралади. Трансцендентал қадриятлар ўз навбатида юксак, тарихан ўзгармас тавсифга эгадир. Мазкур қадриятлар у ёки бу давлатнинг тарихий-маданий ўзига хосликлари билан боғлиқдир. Қадриятларни шакллантириш жараёни таҳлили шуни тасдиқлайдики, қадриятлар тизими ўзида социумнинг маънавий фаолияти натижалари сифатида қараладиган маълум маданий муҳитни ифода этувчи ижтимоий онгни ўзида акс эттиради.

Ҳар бир инсон учун жамиятнинг маънавий маданияти ва инсоннинг маънавий дунёси, ижтимоий ва индивидуал турмуш тарзи ўртасидаги алоқадор бўғин сифатида хизмат қилувчи шахсий қадриятлар иерархиясига эга. Шу билан бирга, жамият ва маълум маданий муҳитни тавсиф этувчи қадриятлар тизими ўзида бутун жамият томонидан амалга ошириладиган маънавий фаолиятнинг натижасини ўзида акс эттиради. Жамиятда узлуксиз ва бир-бирига параллел равишда иккита жараён содир бўлади: янги қадриятларни яратиш ҳамда маданий меросни бир авлоддан бошқасига узатиб бориш.

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида шахсий, субъектив қадриятлар тизимини ривожлантириш муаммосига доир дастлабки таҳлил натижалари мазкур қадриятлар трансформацияси жамиятдаги ислохотлар билан алоқадор ижтимоий шарт-шароитлар билан боғлиқ эканлигини таъкидлаш имконини беради. Бундай ислохотларнинг асоси сифатида маданий, мафкуравий, сиёсий ва иқтисодий соҳала рўй бераётган ўзгаришлар акс этади. Мазкур соҳаларда рўй бераётган янгиланишлар ўз навбатида ижтимоий онгда, таълим-тарбия тизимида, жамиятнинг асосий бўғини

ҳисобланган оилавий турмуш тарзида ҳам кучли ўзгаришларга олиб келмоқда. Энг аввало, ёшларнинг шахсий кадриятлар тизимида кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда. Педагогика олий таълим муассалари талабалари онгида субъектив кадриятларнинг алмашинуви даражасини аниқлаш мақсадида турли вақтда талабалар сафига қабул қилинган респондентларнинг шахсий кадриятлар тизимини қиёсий таҳлил этишга асосланган тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот жараёнида талабалар учун зарурий аҳамиятга эга педагогик кадриятларни аниқлашга йўналтирилган диагностик материаллардан фойдаланилди (Н.М.Эгамбердиева томонидан таклиф этилган кадриятлар таснифи асосида). Таҷриба-синов натижалари турли йилларда талабаликка қабул қилинган таълим олувчиларнинг шахсий педагогик кадриятлар тизимида ўзгаришлар мавжудлигини кўрсатди. Бирок талабаларда ижтимоий ва касбий муҳитда ўзининг индивидуал ролини тасдиқлаш билан алоқадор педагог меҳнатининг ижтимоий аҳамияти, педагогик фаолиятнинг обрўси, касбни эътироф этиш каби шахсий кадриятлар тизимида деярли фарқ кузатилмади. Мулоқотга эҳтиёжнинг қондирилиши ва мулоқот доирасининг кенгайиб бориши билан боғлиқликда бир неча йили аввал олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинган собиқ талабаларда юқори эканлигини кўрсатди. Масалан, болалар, ҳамкасблар билан мулоқот, болаларни яхши кўриш ва меҳрибонлик, маънавий кадриятлар (57 % респондентларда) етакчи мотив эканлиги яққол намоён бўлди. Аксинча, касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган кадриятлар (35/15 %), жаҳон маданиятини ўзлаштиришга қизиқиш (19/8 %), мунтазам ўз-ўзини такомиллаштириб бориш истаги (43/21 %) бугунги кунда ўқишга қабул қилинган талабаларда юқори эканлигини кўрсатди. Педагог меҳнатининг иждодий, хилма-хил тавсифга эгаллиги билан тавсифланувчи ўз-ўзини намоён этиш истаги (58/34 %), педагогик касбининг қизиқарлилиги ва ўзига жалб этиш (45/12 %) билан боғлиқ кадриятларда ҳам ҳозирги вақтда ўқишга қабул қилинган талабаларда юқори кўрсаткичга эгаллиги, ижтимоий ҳимояга ёрдам муҳтож болаларга ғамхўрлик қилиш (32/33) имкониятининг мавжудлиги бўйича эса деярли мослик кузатилди. Тадқиқот натижалари бугунги кунда педагогика олий таълим муассасаси талабаларида прагматик эҳтиёжларни қондириш имконини берувчи кадриятлар (давлат томонидан ишнинг кафолатланиши, иш ҳақи миқдорининг юқори бўлиши, касбий лавозимда ўсиб бориш ва ҳ.к.)нинг устунлигини кўрсатди. Демак, талабаларда кадриятга йўналганлик ижтимоий (оила, дўстлар, турмуш тарзи, молиявий таъминот, ижтимоий мақом) ва шахсий (жинс, характер, эҳтиёж, мотивлар ва ҳ.к.) тавсифга эга кўплаб омиллар билан боғлиқ. Шунингдек, тадқиқот натижалари мустақил билим олишга интилиш, рефлексив ва коммуникатив кўникмаларнинг ривожланганлигининг пастлиги талабалар орасида анча юқори эканлигини кўрсатди.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларда кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг концептуал асослари”** деб ном олган иккинчи бобда замонавий ёндашувлар асосида талабаларда педагогик инновацияларга



аксиологик муносабатни шакллантириш, қадриятлар тизимини ривожлантиришда ҳаётий мақсадларнинг ўрни ҳамда бўлажак ўқитувчиларда инсонпарварлик қадриятларини ривожлантириш омиллари баён этилган.

Талабаларни таълим амалиётига инновацияларни татбиқ этишга тайёрлаш тузилмасида қадриятга ва амалий фаолиятга йўналтирилганликни таъминлашга имкон берадиган шахсий ва касбий аспектлар аниқлаштирилди.

Талабаларни инновацияларни амалиятга татбиқ этишга тайёрлаш шартли равишда уч босқичда амалга оширилди: мотивацион-қадриятга йўналтирилган; мазмунли-жараёнга доир ва рефлексив-тадқиқотчиликка доир. Амалий фаолиятда уларни амалга оширишнинг яхлитлиги ва ўзаро алоқадорлиги, бироқ фаолиятга тайёргарлик компонентининг етакчи ўрин эгаллаши ҳисобга олинди. Ҳар бир босқични амалга оширишда талабаларни инновацияларни амалиётга татбиқ этишга тайёрлаш жараёнининг мақсади, ўқитилиши кўзда тутилган ўқув фанлари аниқлаштирилди. Талабаларни инновацияларни ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этишга тайёргарликни жадаллаштириш педагогик фанлар ва педагогик инноватика курсининг имкониятларини интеграциялаш асосида амалга оширилди.

Талабаларни инновацияларни амалиятга татбиқ этишга тайёрлашнинг биринчи босқичидаги мақсади сифатида педагогик фаолиятга барқарор ижобий мотивацияни, қадриятга йўналганликни шакллантириш тарзида белгилаб олинди. Мазкур мақсад “Педагогика назарияси” фанини ўқитиш жараёнида амалга оширилди.

Талабаларни инновацияларни амалиятга татбиқ этишга тайёрлашнинг иккинчи босқичида инновацияларнинг турлари, мазмун-моҳияти ва тузилмасига доир билимларни ўзлаштиришни кўзда тутилди. У бакалаврият таълим босқичининг 2-3 курсларида “Педагогик маҳорат”, “Педагогик технология”, “Тарбиявий ишлар методикаси” ҳамда танлов фани сифатида “Педагогик инноватика” курсларини ўқитиш жараёнида амалга оширилди.

“Педагогик инноватика” танлов курси бўйича ишлаб чиқилган дастурда талабаларни инновацияларнинг пайдо бўлиши, инновацион жараён ва унинг ўзига хослиги, ўқитувчининг инновацион фаолияти ва инновацион салоҳияти, инновацион фаолиятни ташкил этишга тўсқинлик қилувчи ва рағбатлантирувчи омиллар, педагогик инновациялар мазмуни ва имкониятларига доир билимлар билан таништирилди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг “Педагогика” кафедраси томонидан ишлаб чиқилган “Педагогик инноватика” курси талабаларни инновацияларни ўзлаштириш ва амалиётга қўллашга тайёрлашнинг мазмунли-жараёнга доир компонентини муваффақиятли амалга ошириш имконини берди.

Талабаларни инновацияларни амалиятга татбиқ этишга тайёрлашнинг иккинчи босқичида тадқиқотчиликка ва рефлексивликка доир кўникмаларни шакллантириш асосий мақсад сифатида белгиланди. Мазкур босқич педагогик амалиёт, курс ишлари ва битирув малакавий ишини бажариш жараёнида бакалаврият босқичининг 4 курсида амалга оширилди.

Талабаларнинг педагогик инновацияларни таълим амалиётига татбиқ этишга тайёрлаш жараёнини фаоллаштириш мақсадида методик таъминот интерфаол методлар асосида такомиллаштирилди. Педагогик фанларни ўқитиш жараёнида табақалаштирилган топшириқлар, ишбилармонлик ўйинлари, назарий мунозаралар, дебатлар, лойиҳаларни тақдим этишга асосланган муаммоли мунозаралар, турли концепцияларни таҳлил этиш асосида таълимнинг муқобил моделларини баҳолашда талабаларнинг асосланган нуқтаи назарини ривожлантиришга имкон берувчи кейс-методи қўлланилди.

Шахснинг “ҳаёт субъекти”га айланиши осон эмас. Бироқ шахсларнинг ижод соҳасида яратган дурдоналарини таҳлил қилиб С.Л.Рубинштейн ҳайрат билан, ушбу дурдона ижодкор ҳаётининг чўққиси бўлса-да, у ҳаётнинг маълум бир онидир, ҳаётнинг қолган пайтлари “ҳеч қандай эътиборсиз, паст даражада кечади”,<sup>1</sup> - деб ёзади. Демак, ҳаёт, ҳатто инсоният учун идеал бўлган шахслар мисолида ҳам, керакли савияда, керакли маҳсулдорликда ва маънавий даражада кечавермайди, ҳаёт билан идеал ўртасидаги қарама-қаршилик инсон учун ҳаётни, яшашни муаммога айлантиради. Инсон “ҳаёт субъекти” бўлиши учун ушбу қарама-қаршиликни у позитив ҳал этиши, яъни “ҳаётни яратиш ва қуришга” ўтиши лозим. Шахснинг “ҳаёт субъекти”га айланиши, энг аввало, унинг ҳаётий мақсадида ўз аксини топади.

Ижтимоий-фалсафий ва педагогик-психологик адабиётларда шахс ҳаётини бир-бирига диалектик боғлиқ жараёнлар – болалик(гўдаклик), ёшлик, етуклик ва кексаликка бўлиб ўрганиш кенг тарқалган. Ушбу жараёнларни таҳлил қилган ва уларга хос хусусиятларни аниқлаган Б.Г.Ананьев ҳар бир ҳаётий босқич маълум бир кадриятларни ҳаётий мақсад қилиб қўйишини таъкидлайди. У ёшларда таълим ва илм олиш, мулоқот асосий кадриятлар сифатида келишини ва улар ҳаётий мақсадини ушбу кадриятлар орқали белгилашини асослайди<sup>2</sup>.

Фалсафий-социологик тадқиқотларни ташкил этиш тажрибасини ўрганиш асосида талабаларда ҳаётий мақсадларнинг шаклланганлигини аниқлаштириш мақсадида махсус сўровнома ишлаб чиқилди.

Савол-жавоб варағига бир-бирини тақозо этиб ва тўлдириб келувчи махсус тўртта савол киритилди. Биринчи савол талабаларнинг ўқишни битиргач, ўзлари тасаввур қилаётган ёки режалаштираётган ҳаётий мақсадини аниқлашга, иккинчи савол уларнинг оилавий ҳаёт қуришга, учинчи савол эса миллий ва умуминсоний кадриятларни шакллантиришда қайси метод ва воситалардан кўпроқ фойдаланиш зарурлигини аниқлашга қаратилди.

“Ўқишни битиргач, нималар билан шуғулланишни ҳаётий мақсад қилиб қўйгансиз?” деган саволга олинган жавоблар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди: биринчи курс талабаларининг 64% да танлаган касбига қизиқиш катта, 4 курс талабаларининг 40 %гина ўз касби бўйича ишлаши аниқлигини маълум қилади, холос; биринчи курс талабаларининг 2 %

<sup>1</sup> Абульханова-Славская К.А. Стратегия жизни. – М.: Мысль, 1991. – С.29.

<sup>2</sup> Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. – Л.: ЛГУ, 1999. - С.154-162.

магистратурада ёки иккинчи мутахассисликда ўқишни яна давом эттириш нияти борлигини билдирган бўлса, юқори курсга борганида яна ўқишни давом эттирмоқчи бўлганлар сони (10%) кўпайган; биринчи курс талабаларининг 12% келгусида илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланишни мўлжаллаб қўйган бўлса, бу кўрсаткич тўртинчи курс талабаларида 4 % га кўтарилган; биринчи курс талабаларининг 12% келгусида илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланишни мўлжаллаб қўйган бўлса, бу кўрсаткич тўртинчи курс талабаларида 4 % га кўтарилган; биринчи курс талабаларининг 14% тадбиркорлик билан шуғулланишни мўлжаллаб қўйган бўлса, 4 курс талабаларида бу кўрсаткич 28 % га кўтарилган; биринчи курс талабаларининг 2 % ўзини ижтимоий-сиёсий фаолият билан шуғулланиши мумкинлигини билдирса, тўртинчи курс талабаларида у кўрсаткич 3 % ни ташкил этган; “Чет элда ишлашга кетаман” деган жавоб ҳар иккала гуруҳ респондентлар жавобларида 4-ўринни эгаллаган; биринчи курс талабаларининг 2 % бадий ижодга қизиқиш билдирган ҳолда, 4 курсга келганда ҳеч бирининг мазкур жавобни бермаганлиги ёшлар орасида китобхонлик ва мутолаа маданиятини ривожлантиришга доир Президент Фармойиши ва Қарори ўз вақтида қабул қилинганлигини кўрсатади; фермерлик фаолияти билан шуғулланишга биринчи курс талабаларининг 2 % қизиқиш билдирган ҳолда, 4 курсда бирор бир талаба мазкур жавобни бермаган; 10 % биринчи курс талабалари университетни битиргач, нима билан шуғулланишини ҳали аниқ тасаввур қила олмайди.

Биринчи курс талабалари бўлғуси турмуш ўртоғининг ким, жамиятда қандай мавқега эга, лавозими қандай эканлигига унча эътибор беришмайди. Бизнинг фикримизча, уларда ён-атрофни, одамларни инсоний сифатлари билан белгилашнинг ўзи етарли, деган фикр мавжуд. Тўртинчи курс респондентларининг бу борадаги фикрида кескин ўзгариш содир бўлгани кузатилди.

“Инсоний сифатлар” ҳар иккала гуруҳда ҳам юқори ўринда туради. Бу ўринда республикамизда маънавият борасида амалга оширилаётган тадбирлар ўзининг ижобий таъсирини ўтказганининг гувоҳи бўламиз. Ҳар иккала курс талабалари ҳам келин(куёв) нинг бой-бадавлат, уйли-жойли, жисмоний соғ-саломат ва ўзи билан тенг ёки бир оз кичик(катта) бўлишини асосий кўрсаткич деб биладилар.

Биринчи курс талабалари келин (куёв)нинг маълумотини ҳам ҳисобга олиш зарур деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича, маълумот даражаларининг тенг келиши оилани мустаҳкам қилади, эр-хотин ўртасида муносабатларни барқарорлаштиради, уларнинг қизиқишларини яқинлаштиради. Бироқ тўртинчи курс талабалари маълумот даражасига кам эътибор беришади. Бу ўринда кейинги йилларда олий маълумот мавқеининг пасайиб кетгани ҳисобга олинган бўлса ажаб эмас.

Оила қуришда “ўз фикримга таянаман” деган жавоб 2,7 % дан 9 % га кўтарилади. Демак, талабаларнинг билим даражаси ошиши билан ўз кучига ишониш, ҳаётий мақсадига оид муаммоларни ўз иқтидори, ақли, ҳис-туйғуси, юрагининг амри билан ҳал этишга интилиши ҳам ошади.

“Миллий ва умуминсоний кадриятларни шакллантиришда қайси метод ва воситалардан кўпроқ фойдаланиш зарур” саволига олинган натижалар ҳам таҳлил этилиб, қуйидаги хулосаларга келинди: талабалар маънавий кадриятларга энг юқори кўрсаткич беришади. Биринчи курс талабаларида у 68,5 % ни, тўртинчи курс талабаларида 69,5 % ни ташкил этади. Бу ўринда маънавий таракқиётимизнинг “бош кўрсаткич”и қилиб олинганининг таъсири мавжуд.

Жавоблар ичида энг охириги ўринни “илмий-техникавий бойликларни ўзлаштириш” жавоби эгаллаган. Улар ўз маънавиятини цивилизация, маданият, илм-фан ютуқларисиз тасаввур қилмайдилар, аммо, шу билан бирга, ушбу кадриятларни ўзлаштириш маълум бир қийинчиликларни, тўсиқларни енгиш орқалигина амалга ошишини ҳам яхши сезадилар. Юқори курсга ўтган сайин уларда ўз кучига, билимига, изланишларига ишонч ошиб боради. Масалан, биринчи курс талабаларининг 13% жаҳон цивилизацияси эришган ютуқларини ўрганиш зарур деб ҳисобласа, 4-курс талабаларида ушбу жавоб 24,5% га чиқади. Бу кўрсатадики, талабалар ҳаётий тажрибаси ошган сайин кўпроқ нарсани билиш, ўрганиш, ўзлаштириш зарурлигини пайқайдилар ва бу борада фаоллик кўрсатишга интиладилар. Айнан ушбу фаолликни биз талабаларнинг “ҳаёт субъекти”га айланттирувчи омил деб биламиз.

Диссертациянинг **“Талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг амалий-технологик тизими”** деб номланган учинчи бобида замонавий ёндашувлар асосида талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришни моделлаштириш, талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг рефлексив технологияси ҳамда малакавий педагогик амалиёт ва мустақил таълим воситасида талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантириш масалалари ёритиб берилган.

Талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришга доир назарий-методологик ёндашувлар мазкур жараёни моделлаштириш эҳтиёжини юзага келтирди. Мазкур тадқиқот доирасида модел талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришда кетма-кетлик, тизимлилик тамойилларига риоя қилиш орқали жараёни структурал-функционал ташкил этиш тушунилды.

Таҳлил натижалари асосида дастлаб педагогик олий таълим муассасалари талабаларида кадриятлар тизимини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (1-расм).


Моделнинг мақсади сифатида бўлажак педагогларда кадриятлар тизимини ривожлантириш самарадорлигини таъминлаш белгиланди. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар аниқлаштирилди: бўлажак ўқитувчиларда кадриятлар тизимини ривожлантириш жараёнини ташкил этиш ва умумлаштириш, натижалар билан боғлиқликда фаолиятни коррекциялаш. Фаолият субъектлари сифатида профессор-ўқитувчилар ва талабалар белгиланди.


Моделни амалга ошириш механизмлари ва мазмуни ижтимоий-гуманитар ва педагогик туркум фанлар, “Педагогик аксиология” танлов фанининг ўқув-услугий мажмуаси, аудиториядан ташқари машғулотлар ва мустақил таълим асосида амалга оширилди. Моделнинг мониторинг

элементи ўзида мезон, даража, кўрсаткичлар ва ташхис воситаларини яхлитликда қамраб олган диагностик воситани акс эттирди.

Тизимли, акмеологик ва аксиологик ёндашувларнинг умумий асосларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган талабаларда қадриятлар тизимини ривожлантириш модели педагогик касбига қадриятли муносабатни тўлиқ англаш имконини берадиган ички (мустақил билим олишга қобилиятлилик) ва ташқи (таълим муҳити) блокларининг лойиҳаланганлигида акс этади. Мазкур блоklar ўртасидаги алоқадорлик талабаларда қадриятлар тизимини ривожлантириш босқичлари (адаптация, ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини лойиҳалаштириш) ҳамда технологик (интерактив, диалогли, ҳамкорликда ўқитиш, ахборот технологиялари) аспектларни интеграцияси асосида таъминланади.

Мазкур алгоритм асосида талабаларда қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг қуйидаги шарт-шароитлари аниқлаштирилди: талабаларнинг педагогик қадриятларнинг мазмун-моҳиятини англашга доир мотивацион фаолиятни ташкил этиш; педагогик қадриятларни ўзлаштириш ва амалга оширишга имкон берувчи касбий-педагогик вазифаларни ҳал этиш; педагогик касбига қадриятли муносабатни таркиб топтиришга йўналтирилган шакли ва мазмунига кўра турли хил амалий фаолиятга талабаларни жалб этиш.





**1-расм. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида кадриятлар тизимини ривожлантириш модели.**

Технологиянинг мазмунли ва процессуал қисми, талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантириш жараёнини тавсифи ва рефлексиянинг намоён бўлиш даражаси тадқиқ этилаётган жараённинг мезони сифатида технологик картада акс этган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг рефлексив технологияси**

Босқичлари	I даража	II даража	III даража	IV даража
1	2	3	4	5
Билим	Қадриятга тегишли билимларни ўзлаштиради, уларни билади ва эслаб қолади.	Қадрият билан боғлиқликда ҳодисаларнинг моҳиятини тушунади; ва ўзиги хос белгиларини тавсифлайди	Нимани акс эттириши билан боғлиқликда одамлар ҳаётида қадриятларнинг намоён бўлиш қонуниятларини тушунтиради.	Қадриятни ҳаёт меъёри сифатида идрок этади. Қадриятга йўналганликни фаолиятида мўлжалга олади.
Метод ва усуллари	Репродуктив образли суҳбат, тугалланмаган гаплар методикаси ва бошқалар.	Билимлар даражаси билан боғлиқликда оғзаки ва ёзма сўров, шартли-график кўرғаз-мали иш методлари	Муаммоли характердаги суҳбат, фикрлар шкаласи, ўз-ўзини баҳолаш ва бошқалар.	Лойихавий фаолият фаолиятда шахсий муносабатнинг намоён бўлиши) ва бошқалар.
Қадрият	Қадриятга қизиқиш даражасини намоён бўлиши.	Ижтимоий аҳамиятли сифатида қадриятларнинг моҳиятини қабул қилиш.	Қадриятларга шахсий муносабатларни таҳлил этиш, шахсий ҳаёт йўналишини аниқлаш.	Ҳаёт тамойили: мен ана шу қадрият билан боғлиқликда ҳаракат қиламан.
Метод ва усуллари	Ахлоқий қайғуришли вазиятларни яратиш усуллари.	Ҳаётий вазиятга доир тажрибаларин таҳлил қилиш	Ўйинли вазият, моделлаштириш, ўқув лойихаси, ижтимоий лойиха, кузатиш, ўз-ўзини баҳолаш методлари.	
Фаолият тажрибаси	Мушоҳадали тажриба.	Илк тажриба	Адаптив тажриба.	Ҳаётда реал акс этган хулқ-атвор одати.
Метод ва усуллари	Манбалар билан ишлаш, эмпирик суҳбат.	Ролли вазият, ўзаро бир-бирини баҳолаш методи.	Муаммоли характердаги ҳужжатлар билан ишлаш.	Ижтимоий лойиха, ўқув жараёнини лойихалаш.

Технология тўрт қисмдан иборат: назарий-методологик (талабаларда қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг мақсад, вазифа, тамойиллари);

мазмунли (учлик – “билим – қадрият – фаолият”да амалга оширилувчи инсонпарварлик мазмуни); процессуал (рефлексив метод ва усуллар асосида педагог ва талабанинг фаолияти тизими), баҳоловчи (кўрсаткичлар, даражалари, уларнинг муваффақияти мезонлари).

Диссертациянинг **“Талабаларда қадриятлар тизимини ривожлантириш самарадорлиги”** деб номланган тўртинчи бобда тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Бўлажак ўқитувчиларда қадриятлар тизимини ривожлантириш бўйича ташкил этилган тажриба-синов ишлари қуйидаги тамойилларга мувофиқ амалга оширилди: тажриба-синов ишларининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги; тажриба-синов ишларининг изчиллиги, тизимлилиги ва узвийлиги амалда таъминланганлиги; муаммонинг назарий асослари билан амалий ишланмалар орасида ўзаро алоқадорликнинг мавжудлиги; респондентларнинг ўз имкониятларини эркин рўёбга чиқара олишларига эришилганлиги; тажриба-синов ишларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсадга эришиш учун қулай педагогик вазиятнинг вужудга келтирилганлиги.

Бўлажак ўқитувчиларда қадриятлар тизимини ривожлантиришга қаратилган тажриба-синов ишларининг муваффақияти қуйидаги педагогик шарт-шароитларни яратиш орқали таъминланди: тажриба-синов материаллари мазмуни асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда танланганлиги; тажриба-синов материалларига мос келадиган дидактик воситалар, шакллар, усуллар ва методларнинг танланганлиги; тажриба-синов жараёни иштирокчилари – респондентлар сонини таққослаш, қиёслаш имкониятини берадиган кўрсаткич бўла олишига эришилганлиги; респондентларнинг тажриба-синов ишлари мазмун-моҳиятидан тўлақонли тарзда хабардор этилганлиги; тажриба-синов ишларини амалга оширишда тадқиқотчи ёки ушбу фаолиятни ташкил этишга масъул бўлган етакчи-педагог билан респондентлар ўртасида самимий мулоқот ҳамда ўзаро ҳамкорликнинг ўрнатилганлиги; тажриба-синов ишларини йўлга қўйиш мақсадида респондентлар билан мулоқот қила олиш имкониятининг яратилганлиги; тажриба-синов ишлари натижаларининг доимий равишда умумлаштириб таҳлил этилганлиги; умумий натижаларни қайта таҳлил этиш имкониятини берадиган математик-статистик методларнинг аниқланганлиги.

Таълимий тажриба-синов ишлари жараёнида бўлажак ўқитувчиларда касбий-педагогик қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг қуйидаги педагогик шарт-шароитлари ва воситалари ўқув амалиётига татбиқ этилди (2-расм).

Тажриба-синов ишларининг мақсади талабаларда қадриятлар тизимини ривожлантиришга доир комплекс педагогик шарт-шароитлар ва воситалар самарадорлигини аниқлашга қаратилди.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институтларининг “Педагогика” факультети базасида амалга оширилди. Тажриба-синов

ишларига тажриба гуруҳининг 210 нафар, назорат гуруҳининг 180 нафар талабалари ҳамда 30 нафар профессор-ўқитувчилар жалб этилди.

Аниқлаштирувчи тажриба-синов ишлари жараёнида талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг таянч даражаси ўрганилди. Олинган натижалардан “Бўлғуси ҳаётий мақсадим” шкаласи бўйича талабаларнинг ярми ўртача даражани кўрсатишди (ТГ – 59,17%, НГ – 57,50%). Ташхис натижалари уларнинг етарлича қисми ҳаётий мақсадини объектив баҳолашган, ҳаёлий мақсадларни ўйлаб топишмаган. Респондент-талабаларнинг учдан бир қисми паст кўрсаткичларга эга бўлишди (ТГ – 19,17%, НГ – 19,17 %). Бу эса мазкур талабаларнинг аниқ истиқболли мақсадни ўз олдига қўймаслиги, бугунги кун билан яшаш истагида эканлигини кўрсатади.

Педагогик шарт-шароитлари ва воситалари	
Шарт-шароитлар	Воситалар
1) кадриятлар тизимини ривожлантириш моделининг мавжудлиги; 2) профессор-ўқитувчиларни талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришга тайёрлашга доир супервизорлик амалиёти; 3) талабаларда шахсий-касбий кадриятлар тизимини ривожлантиришга тайёрлашга доир волонтерлик амалиёти	1) кадриятлар тизимини ривожлантириш технологияси; 2) технологияни амалиётга татбиқ этишнинг дидактик таъминоти; 3) “Педагогик аксиология” танлов фанининг модернизациялашган ўқув-услубий мажмуаси; 4) талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг диагностик воситалари

## 2-расм. Талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг комплекс педагогик шарт-шароитлари ва воситалари

Талабаларнинг кўпчилик қисмида “Ҳаётдан мамнунлик” ўртача даражани акс эттирди (ТГ – 76,67%, НГ – 75,00%). Бу кўрчаткич уларнинг катта қисми ҳаётий фаолиятни қизиқарли, эмоционалликка бой ва мазмунга эга, деб ҳисоблашини кўрсатади.

Респондентларнинг жуда кам қисми яхши натижаларга эришганман, деб ҳисоблашади (ТГ – 7,5 %, НГ – 5 %). Синалувчиларнинг ярми ўз ютуқларини ўртача баҳолашган (50/53,33 %), бироқ кўпчилик талабалар ўз натижаларини паст деб эътироф этишган (42,5/ 41,67%).

Тажриба гуруҳининг 23,33 %, назорат гуруҳининг 18,33 % талабалари келажак учун мақсадларни белгилаш, истиқболни онгли назорат қилиб бўлмаслигини эътироф этишган.

Факторли таҳлил натижалари ҳаёт мазмунининг анланганлиги шкаласи бўйича умумий кўрсаткичларда талабаларда ўртача даражада эканлигини кўрсатди (ТГ – 68 %, НГ – 66,7%).

Ижтимоий-маиший кадриятлар тизимида қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди: моддий таъминланганлик (ТГ – 42,5 %, НГ – 40 %), ишончли



дўстларининг борлиги (ТГ – 17,5 %, НГ – 19,17 %). Воситали кадриятлар – “Таълим”, “Тарбияланганлик”, “Тартиблилик”, “Ижро интизоми” бўйича бир хил кўрсаткичлар қайд этилди (ТГ – 50 %, НГ – 51,67 %).

Педагогика олий таълим муассасасида таҳсил олаётган талабаларнинг кўпчилик қисми (ТГ – 56,67% ва НГ – 57,50%)да касбий фаолиятга йўналганлик мавжудлигини кўрсатган ҳолда, каттагина кўрсаткичга эга қисмининг мақсади кундалик турмуш (ТГ – 38,33%, НГ – 40,00%) ёки диплом олиш учун ўқиётганини қайд этишгани (5,00% ва 2,50%). Мазкур натижаларга асосланган ҳолда таълимий тажриба-синов дастурида талабаларда касбий мотивацияни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақидаги хулосага келинди.

Аниқлаштирувчи тажриба-синов ишлари жараёнида рефлексивлик даражаси бўйича талабаларда паст натижалар кузатилди (ТГ – 48,33 %, НГ – 47,50 %). Рефлексия – бу нафақат субъектнинг ўз-ўзини тушуниши, ташқи томондан ҳам унга баҳонинг мавжудлиги ва бошқаларнинг унинг шахсий хусусиятлари, эмоционал йўналганлиги ва когнитив қобилиятларини билишини ифода этишини эътибордан четда қолдиришган. Рефлексив даража бўйича юқори кўрсаткич санокли талабаларда аниқланди (ТГ – 9,17 %; НГ – 6,67 %).

Аниқлаштирувчи тажриба-синов ишлари натижалари асосида педагогика олий таълим муассасаси талабаларида кадриятлар тизимининг ривожланганлик даражасида қуйидаги камчиликларнинг мавжудлиги ҳақидаги хулосага келинди: моддий кадриятларга йўналганликнинг устуворлиги; касбий фаолият мотивларининг пастлиги; кўпчилик талабаларнинг ўз ўқув-касбий фаолиятдан қониқмаслиги; рефлексивликнинг паст даражасининг мавжудлиги; ўз хулқ-атворини тўлиқ назорат қилмаслиги; вазиятга адекват баҳо бериш даражасининг пастлиги ва ҳ.к.

Таълимий дастурда асосий мақсад сифатида талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантириш акс эттирилди. Тажриба гуруҳларида таълимий-тарбиявий фаолият “Педагогик аксиология” танлов фани бўйича электрон ўқув-услубий мажмуа, қўшимча дидактик таъминотдан фойдаланган ҳолда ташкил этилди. Машғулотлар маъруза, маҳорат дарслари ва семинарлар шаклида ўтказилди.

Машғулотлар жараёнида профессор-ўқитувчилар талабаларнинг самарали мулоқотга тайёрлигини педагогик кузатиш, контекстли топшириқлар ва аниқ мақсад кўзланган топшириқлардан фойдаланиб ташхис этишди. Ташхис натижаларига асосланган ҳолда профессор-ўқитувчилар интерфаол методлардан самарали фойдаланишди: ахлоқий мавзудаги ва эвристик суҳбат; мунозара (фикрларни асослаш, ўзаро фикр алмашиш); ақлий ҳужум (ғоя, фараз, ассоциациялар ёрдамида жавоб излаш); давра суҳбати (педагогик фаолиятга доир аксиологик ва ахлоқий муаммоларни муҳокама этиш); ишбилармонлик ўйинлари (тақлидчанлик вазиятлари, тасвирлаш, турли педагогик вазиятларни моделлаштириш); ўқув портфолиоси; амалий ишлар танлови; тренинг (гуруҳий мулоқотни ташкил этиш, шахслараро муносабатларни моделлаштириш воситасида хулқ-атворни коррекциялашнинг

фаол методи); кичик гуруҳларда ишлаш; аниқ ҳаётий вазиятларни таҳлил этиш.

Талабалар билан ижтимоий-гуманитар ва педагогик фанлардан махсус курсларни ташкил этилганидан сўнг ўзгаришларнинг аниқланиши назорат гуруҳлари билан таққослаганда, тажриба гуруҳлари талабаларида қадриятлар тизимининг ривожланганлик даражаси сезиларли равишда ошганлигини кўрсатди (2-жадвал).

**Педагогик олий таълим муассасалари талабаларида қадриятлар  
тизимининг ривожланганлик даражаси (фоиз ҳисобида)**

Мезонлар	Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳи (210 нафар респондент)			Назорат гуруҳи (180 нафар респондент)		
		Юқори	Ўрта	Қуйи	Юқори	Ўрта	Қуйи
<b>Мотивацион</b>	Касбий-педагогик қадриятларга қизиқиш ва эҳтиёжнинг англанданлиги	12	38	50	13	45	42
		15	57	28	12	47	41
	Касбий-педагогик фаолиятга йўналганлик	21	56	23	19	63	18
		33	52	15	21	56	23
	Ўқув-касбий фаолиятдан қониқиш ҳисси	20	46	34	31	31	38
		33	45	22	22	39	39
	Ўз имкониятларини баҳолаш даражаси	17	55	28	25	45	30
		32	51	17	30	40	30
	Бўлғуси касбий фаолият мақсадининг англанданлиги	28	36	36	21	51	28
		34	50	16	12	35	53
Ўз куч ва имкониятларини сафарбар этиш истаги	26	57	17	34	52	14	
	31	57	12	33	48	19	
<b>Эмоционал</b>	Танланган касбга аксиологик муносабат	18	58	24	21	60	19
		28	56	16	23	55	22
	Ўз ҳулқ-атворини бошқариш, аксиологик йўналганлик	29	52	19	33	42	25
		36	49	15	34	36	30
	Ўқув-касбий фаолиятда юқори натижаларга эришишга интилиш	21	42	37	24	48	28
		34	43	23	21	49	30
	Дахлдорлик ҳиссининг англанданлиги, эмоционал барқарорлик	40	34	26	35	44	21
		46	36	18	34	40	26
Истикболдаги ҳаётини мақсадларини аксиологик баҳолаш олиш	24	47	29	32	48	20	
	36	44	20	24	44	32	
<b>Фаолиятга доир</b>	Педагогик фаолиятга йўналганлик даражаси	17	34	39	23	26	51
		25	52	23	20	22	58
	Педагогик фаолиятни режалаштириш ва ташкил этишга тайёрлик	16	39	45	16	29	55
		24	52	24	15	38	47
	Ўз-ўзига талабчанлик	17	61	22	16	53	31
		25	59	16	15	53	32
	Янги вазиятларга мослашиш қобилияти	25	49	26	25	40	35
		29	54	17	22	48	30
	Ўз-ўзига танқидий муносабат ва қатъий интизомга риоя қилиш, рефлексивлик даражаси	29	32	39	18	50	32
		36	41	23	19	50	31
	Ўқувчилар ва жамият аъзоларига намуна кўрсатиш	13	49	38	18	62	20
		22	54	24	15	61	24
	Педагогик шаъни ва обрўсини ҳимоя қилиш	15	35	50	17	37	46
		21	44	35	15	38	47
Ўз-ўзини мустақил намоён этиш ва креативликка йўналганлик	19	76	15	23	56	20	
	26	63	11	20	59	21	

(Изоҳ: жадвалдаги юқори қаторлардаги сонлар тажриба аввалига; пастдаги сонлар эса тажрибадан сўнгги натижаларга тегишли).

Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижаларини 1-жадвал кўрсаткичлари асосида педагогик олий таълим муассасалари талабаларида қадриятлар тизимининг ривожланганлик даражасини тажриба аввали ва сўнггидаги тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришни умумий ҳолда статистик таҳлил қиламиз.

Тажриба аввалидаги таҳлил натижаларини умумий ҳолда қуйидаги жадвалда ифодалаймиз (3-жадвал):

**3-жадвал**

**Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида қадриятлар тизимининг ривожланганлик даражаси (тажриба аввалида)**

Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи	210	57	99	54
Назорат гуруҳи	180	46	79	55


Тажриба сўнггидаги натижаларни умумий тарзда қуйидаги жадвалда ифодалаймиз:

**4-жадвал**


**Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида қадриятлар тизимининг ривожланганлик даражаси (тажриба сўнггида)**

Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи	210	77	89	44
Назорат гуруҳи	180	40	72	68

Мазкур танланмаларга мос диаграмма ифода этамиз:



**3-расм. Тажриба аввалидаги самарадорлик кўрсаткичлари.**



**4-расм. Тажриба сўнггидаги самарадорлик кўрсаткичлари.**

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Демак, бўлажак ўқитувчиларда кадриятлар тизимининг ривожланганлик даражаларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор экан.

## ХУЛОСА

Амалга оширилган илмий таҳлиллар, тақдим этилган назарий методик, ишланмалар ва тавсияларни умумлаштирган ҳамда уларнинг самарадорлик даражасини баҳолаган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тизимли, субъектив-фаолиятга доир ва кадриятга йўналтирилган фаолиятнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда “кадрият” тушунчаси талабанинг касбнинг ижтимоий аҳамиятини тўлиқ англаб этилганлиги тавсифида бўлғуси педагогик фаолиятга субъектив муносабати ва баҳосининг акс эттириши; “кадриятлар тизими” тушунчасига барқарор, доимий ва динамик-функционал алоқадорликка эга кадриятга йўналтирилган (баҳолашга доир) фаолият асосида касбий тайёргарлик жараёнида шаклландиган компонентлар (кадриятнинг турлари ва шакллари) мажмуидир, деган хулосага келинди.

2. Талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантириш атроф-муҳит ва ўз-ўзига нисбатан муносабат тавсифини акс эттирувчи ва касбий фаолиятга тайёргарлик жараёнида намоён бўладиган, педагогик компетентликнинг ўзаро алоқадор аксиологик компонентларида сифат ўзгаришларини ҳосил қилишга йўналтирилган объектив жараён бўлиб, ташқи ва ички таъсирларнинг ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олишни талаб этади.

3. Таҳлил натижалари асосида касбий-кадриятга йўналганлик педагогик фаолиятга доир илмий билимларни эгаллаш ва аксиологик муносабатни шакллантиришга имкон берадиган когнитив (касбий билимга доир кадриятлар), педагогик фаолиятга шахсий муносабат орқали аниқлаштириладиган эмоционал компонент (касбий муносабат кадриятлари) ва педагогик фаолиятда аксиологик муносабатни амалга оширишга имкон берадиган хулқ-атвор компоненти (касбий кўникмаларга доир) аниқлаштирилди.

4. Талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг педагогик касбига аксиологик муносабатни таркиб топтиришга доир касбий кадриятларни ўзлаштириш, касбий кадриятлар асосида талаба шахсини тарбиялаш ҳамда педагогик фаолиятга ўз-ўзини йўналтириш босқичи. Мазкур босқичлар асосида касбий идеал сифатида “Мен” тимсоли тўлиқ шаклланади, бўлғуси фаолиятда ўз ўрнини англаш ва баҳолаш асосида “касбий фаолият соҳаси” йўналиши мазмуни аниқлаштирилди.

5. Бўлажак ўқитувчиларда кадриятлар тизимини ривожлантириш мураккаб педагогик ҳодиса бўлганлиги сабабли қатор назарий-методологик ёндашувларга таянишни тақозо этади. Мазкур ёндашувлар бўлажак ўқитувчиларда кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг илмий асоси сифатида мазкур жараён иштирокчилари, касбий фаолиятнинг субъектлари

тарзида намоён бўлишларига асосланади ҳамда уларнинг субъект ва бўлажак мутахассис сифатида босқичма-босқич, узлуксиз ўз-ўзини такомиллаштириши ва ўз-ўзини ривожлантириши учун шароит яратди.

6. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг рефлексив моделининг мақсади сифатида бўлажак педагогларда кадриятлар тизимини ривожлантириш самарадорлигини таъминлаш белгиланди. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар аниқлаштирилди: бўлажак ўқитувчиларда кадриятлар тизимини ривожлантириш жараёнини ташкил этиш ва умумлаштириш, натижалар билан боғлиқликда фаолиятни коррекциялаш. Фаолият субъектлари сифатида профессор-ўқитувчилар ва талабалар белгиланди.

7. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган педагогик олий таълим муассасаси талабаларида кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг педагогик технологияси мазкур жараёни лойиҳалашнинг зарурий шарт-шароитлари, босқичлари ҳамда таълим-тарбиявий фаолият жараёнидаги профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолияти мазмунини аниқлаштиришга хизмат қилди.

8. Талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантириш технологияси ўзида ўзаро алоқадор ва биргаликда шартланган қуйидаги босқичларда лойиҳалаштирилди: ўқув-касбий фаолиятни ўзлаштириш ва педагогик жараёнинг асосий мақсадига интилишга йўналтирилган мотивларни шакллантирувчи – мотивацион; ўқув-услубий материаллар, ўқув материалларини тизимлаштиришга доир – мазмун-моҳиятни акс эттирувчи; ўқув-касбий фаолиятга доир материалларни ўзлаштириш шакл, метод ва воситаларини режалаштиришга доир – ташкилий; кадриятлар тизимини ривожлантириш самарадорлигини аниқлашга доир – назорат-баҳолаш; танқидий ўз-ўзини таҳлил этиш асосида фаолият натижаларини белгилашга доир – аналитик-рефлексив.

9. Таълимий тажриба-синов ишлари жараёнида бўлажак ўқитувчиларда касбий-педагогик кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари (кадриятлар тизимини ривожлантириш моделининг мавжудлиги; технологияни амалиётга татбиқ этишнинг дидактик таъминоти; “Педагогик аксиология” танлов фанининг модернизациялашган ўқув-услубий мажмуаси; талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг диагностика воситалари) аниқлаштирилди.

10. Талабаларда кадриятлар тизимини ривожлантиришда ахлоқий мавзудаги ва эвристик суҳбат; мунозара (фикрларни асослаш, ўзаро фикр алмашиш); ақлий ҳужум (ғоя, фараз, ассоциациялар ёрдамида жавоб излаш); давра суҳбати (педагогик фаолиятга доир аксиологик ва ахлоқий муаммоларни муҳокама этиш); ишбилармонлик ўйинлари (тақлидчанлик вазиятлари, тасвирлаш, турли педагогик вазиятларни моделлаштириш); ўқув портфолиоси; амалий ишлар танлови; тренинг (гуруҳий мулоқотни ташкил этиш, шахслараро муносабатларни моделлаштириш воситасида хулқ-атворни коррекциялашнинг фаол методи); кичик гуруҳларда ишлаш; аниқ ҳаётий вазиятларни таҳлил этиш каби интерфаол методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ТАЙЛАНОВА ШОХИДА ЗАЙНИЕВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ  
СИСТЕМЫ ЦЕННОСТЕЙ У СТУДЕНТОВ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ  
ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
диссертации доктора философии (DSc) по педагогическим наукам

**Самарканд – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.3.DSc/Ped81.**

Докторская диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) и информационно-образовательном портале “ZiyoNET” ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Эгамбердиева Нодира Мелибаевна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Махмудов Мелс Хасанович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Мардонов Шуккур Кулдошевич**  
доктор педагогических наук, профессор

**Каххарова Матлюба Манофовна**  
доктор философических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный педагогический университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.28.03.2018.Ped.02.05 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-13-87; e-mail: [kengash-pf@samdu.uz](mailto:kengash-pf@samdu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован по № \_\_\_\_\_). (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-11-51).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года).

**Х.И.Ибраимов**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор

**Ш.Ураков**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.ф.п.н., (PhD)

**Н.Ш.Шодиев**  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых  
степеней, д.п.н., профессор



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Развитые страны мира в условиях глобализации наряду с важными достижениями, достигнутыми на пути духовного развития, уделяют особое внимание укреплению своего культурного наследия, духовных и нравственных ценностей. Передовыми высшими образовательными учреждениями вопросы установления национальных и общечеловеческих, мотивационно-ценностных и аксиологических отношений к деятельности в процессе переподготовки педагогов рассматриваются как первичное средство развития системы ценностей в обществе, вследствие чего наблюдается тенденция формирования содержания образования на основе данных отношений.

В мире проводятся научные исследования по обеспечению социализации в развитии профессиональной компетентности будущих педагогов, разработке эффективных технологий формирования системы ценностей, широкому использованию интерпретации самых эффективных методов науки социальной педагогики, классификации и особенностям аксиологического компонента профессиональной компетентности. Результаты настоящего исследования расширяют возможности внедрения международных стандартов оценки качества образования и обучения, а также определения уровня установления аксиологического отношения у будущих учителей при определении показателей качества деятельности высших образовательных учреждений.

Реформы, проводимые в нашей стране по формированию системы подготовки кадров на основе богатого интеллектуального наследия народа и общечеловеческих ценностей, развитию духовных и нравственных качеств учащихся расширили возможности гуманизации образования, применения педагогических подходов, ориентированных на установление аксиологического отношения у будущих педагогов. В то же время перед наукой национальной педагогики стоит необходимость совершенствования технологий развития системы ценностей у студентов высших образовательных учреждений. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи по «дальнейшему совершенствованию системы непрерывного образования, повышению качества и эффективности деятельности высших образовательных учреждений, воспитанию молодежи с самостоятельным мышлением и преданностью Родине, имеющих твердую жизненную позицию».<sup>1</sup> В этом отношении важное значение приобретают определение аксиологических критериев и показателей развития профессиональной компетентности на основе системы профессиональных ценностей и мотивов деятельности у студентов высших образовательных учреждений, усовершенствование

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года УП-4947. – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017, № 6, ст. 70.

организационной структуры и механизмов развития системы ценностей, разработка креативных образовательных технологий.

Данное диссертационное исследование в значительной степени служит реализации задач, определенных в Законе Республики Узбекистан «О Государственной молодежной политике», принятого 12 августа 2016 года, указе Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947, постановлениях главы государства «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года № ПП-2909, «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июня 2018 года № ПП-3775, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Данное исследование выполнено согласно приоритетному направлению развития науки и технологии республики I. “Нравственно-духовное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики”.

#### **Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>1</sup>.**

Научные исследования по развитию системы ценностей осуществляются в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, Национальном совете по аккредитации образования преподавателей (США), Институте практической этики (Канада), Университете Парих-ИХ-Дофин (Франция), Оксфордском университете (Англия), Университете Тойо (Япония), Институте развития образования Кореи (Южная Корея), Московском государственном педагогическом университете (Россия), Генеральном научно-методическом центре (Узбекистан).

В результате исследований по развитию системы ценностей в педагогических высших учебных заведениях получен ряд научных результатов, в частности: усовершенствованы педагогические механизмы развития системы этнико-культурных ценностей у студентов (Национальный совет по аккредитации образования преподавателей); установлены нравственные компоненты развития у студентов системы профессиональных ценностей (Институт практической этики); разработаны дидактические технологии развития у будущих преподавателей системы личных и профессиональных ценностей (Университет Парих-ИХ-Дофин), разработана

---

<sup>1</sup> Мазкур қисми ёзишда қуйидаги манбаларга асосланилди: Андреева Г.А. Модернизация системы высшего педагогического образования в Англии: Монография. – М.: ИТОП РАО, 2002. – 227 с.; Galligan A.M. Creativity, Culture, Education and the Workforce. — Center for Arts and Culture, 2001. — 36 p.; Corey G., Schneider-Corey, M., Callanan, P. Issues and ethics in the helping professions (7th ed.). Belmont, CA: Brooks/Cole, 2007. – 154 p.; Lynch, Lisa M. A Needs Analysis of Training Data: What do we want, what do we have, can we ever get it? NBER Conference on Research in Income and Wealth: Labor Statistics Measurement Issues. Ed. J. Haltiwanger, M. Manser and R. Topel. Chicago: University of Chicago Press, 1998. P. 407.

минторная модель развития у студентов профессионально-ценностной ориентации (Оксфордский университет); разработаны программы специальных курсов по формированию аксиологических отношений к национальным ценностям и традициям в процессе подготовки преподавателей (университет Тойо); определены направления совершенствования диагностики системы ценностей (Институт развития образования Кореи), разработана аксиологическая концепция развития педагогической культуры у будущих педагогов (Московский государственный педагогический университет); на основе образовательных ценностей совершенствованы андрагогические механизмы переподготовки педагогических кадров и повышения их квалификации (Генеральный научно-методический центр).

В мире проводятся исследования по следующим приоритетным направлениям развития системы ценностей в педагогических высших учебных заведениях, в частности: разработка параметров и показателей определения развитости у студентов системы ценностей; совершенствование методики развития системы ценностей на основе личностно ориентированной образовательной парадигмы; совершенствование у студентов диагностических основ развития системы ценностей; совершенствование у студентов технологий развития системы ценностей.

**Степень изученности темы.** Философские, социологические основы развития у студентов системы ценностей исследованы А.Бегматовым, М.Бекмурадовым, В.Канке, Ж.Ким, М.Каххаровой, К.Назаровым, Н.Розовым, И.Суриной, Ж.Туленовым, Э.Юсуповым<sup>1</sup>.

Среди психологов Ш.Баротов, М.Давлетшин, А.Жабборов, В.Каримова, Л.Кунц, Л.Митина, Н.Сафаев, А.Серый, Э.Гозиев, А.Шаров, Г.Шоумаров, Б.Вильсон исследовали этнопсихологические аспекты проблемы ценностей<sup>2</sup>.

---

